



# Реал самарали алмашув курси шарҳи

---

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки


Тошкент 2021 йил

# Реал самарали алмашув курси шарҳи

2021 йил ноябрь

2021 йилнинг **ноябрь ойида** сўмнинг **реал самарали алмашув курси индекси** октябрь ойига нисбатан **3,7 фоизга** мустаҳкамланди (*Жорий йил бошига нисбатан 5,6 фоизга, базавий ой – 2018 йилнинг июнига нисбатан 8,2 фоизга*).

## Номинал ва реал эффектив алмашув курслари индекси динамикаси



Реал самарали алмашув курсининг бундай ўсиши асосан савдо-ҳамкор давлатлар валюта курсларининг **қадрсизланиши**, шунингдек, Ўзбекистондаги инфляциянинг ҳамкорлардаги инфляция даражасидан **юқорироқ шаклланиши** билан изоҳланади.

Жорий йилнинг ноябрь ойидаги реал самарали алмашув курси индексининг **3,7 фоизлик** ўсувчи динамикасини

**оширувчи омиллар:** ички инфляция – **1,2 фоиз банд**, савдо-ҳамкор давлатлар валюта курслари ўзгариши – **4,5 фоиз банд**;

**пасайтирувчи омиллар:** савдо-ҳамкор давлатлар инфляцияси – **0,9 фоиз банд** ва сўм алмашув курси – **1,2 фоиз банд**;

Савдо-ҳамкор давлатларнинг **валюталари курси** ноябрь ойи давомида АҚШ долларига нисбатан **асосан пасаяувчи динамикани** намоён этди:

- Россия **рубл**и **3,6 фоизга** (71,6 дан 74,2 га) қадрсизланди. Рублнинг қадрсизланишига бозор омиллари, АҚШ федерал резерв тизими инфляцияни жловлаш мақсадида асосий фоиз ставкасини ошириши бўйича кутилмалар фонида доллар индексининг ошиши кўплаб давлатлар қатори савдо ҳамкорларимиз валюта курсининг пасайишига сабаб бўлади.
- Қозоғистон **тенгесининг** қадрсизланиши октябрь ойига нисбатан тезлашди ҳамда **2 фоизни** ташкил этди. Коронавирус янги штаммининг дунё бўйлаб тарқалиши, нефть котировкаларининг кескин тушиши мамлакатда долларга бўлган талабни оширди.
- Турк **лираси** мазкур ойда ҳам кескин қадрсизланишда давом этиб, ойлик ҳисобда **40,3 фоизга** (9,6 дан 13,4 га) қадрсизланди.
- Хитой **юани** ушбу ойда ҳам нисбатан барқарор даражада шаклланиб, **0,2 фоизга** мустаҳкамланди (6,40 дан 6,39 га). АҚШ билан муносабатларнинг ёмонлашиши ва бу билан боғлиқ ноаниқлик хавфи келгусида юань курсининг шаклланишида хатарлар мавжудлигини кўрсатади.

**Реал самарали алмашув курси (REER) индексининг ўзгариш декомпозицияси**



Ноябрь ойида ҳам асосий савдо-ҳамкор давлатларнинг деярли барчасида **инфляция кўрсаткичи ўсишда давом этди:**

- **Россияда** истеъмол нархлари ойлик ҳисобда **0,96 фоизга** кўтарилиб, йиллик **8,4 фоизга** (2016 йил январдан буён максимум) етди, аҳолининг инфляцион кутилмалари ҳам юқориликча

қолмоқда. Аҳоли томонидан сезилган инфляция **16,2 фоизни** ташкил этган бўлса, кейинги 12 ой учун инфляцион кутилмалари **13,5 фоиз** атрофида шаклланмоқда.

- **Қозоғистонда** ойлик инфляция даражаси **0,7 фоизни** ташкил этган бўлсада, йиллик инфляция кўрсаткичи октябрь ойига нисбатан секинлашиб, **8,7 фоизга** етди. Бу асосан озиқ-овқат маҳсулотлари (октябрь ойидаги 11,3 фоиздан 10,9 фоизга) ҳамда хизматлар инфляциясининг (6,9 фоиздан 6,4 фоизга) секинлашиши билан изоҳланиши мумкин.

*Йиллик инфляциянинг секинлашиши ва коронавируснинг янги штаммининг пайдо бўлиши билан боғлиқ ноаниқликларнинг мавжудлиги сабабли жорий йилнинг 6 декабрида Қозоғистон марказий банки асосий фоиз ставкани **9,75 фоиз** даражада сақлаб қолишга қарор қилди.*

- **Туркияда** ойлик инфляция кўрсаткичи **3,5 фоизгача** тезлашиб, йиллик ҳисобда **23 фоиздан** юқорилади. Шунингдек, мамлакатда ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси ойлик ҳисобда деярли **10 фоизга** ўсиб, **54,6 фоизгача** кўтарилди.

*Асосий фоиз ставканинг кетма-кет пасайтирилиши, салбий реал курснинг мавжудлиги ҳамда ортиб бораётган инфляцион кутилмалар Туркияда декабрь ойида ҳам инфляциянинг юқори даражада сақланиб қолишига сабаб бўлмоқда.*

- **Хитойда** ноябрь ойида истеъмол нархлар индекси ўтган ойга нисбатан бироз секинлашиб, **0,4 фоизни** ташкил этган бўлса-да, йиллик ҳисобда **2,3 фоизгача** юқорилади.

*Озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари сўнгги 6 ойда биринчи марта ошиб, 1,6 фоизгача юқорилаган бўлса, ноозиқ-овқат маҳсулотлари 2,5 фоизгача кўтарилди.*

*Хитойда ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси ойлик **0,53 фоизга** ошиб, йиллик ҳисобда **12,9 фоизни** ташкил қилди. Индекснинг юқори сақланиб қолишига жаҳонда хомашё нархининг қимматлашиши, Хитой ҳукумати томонидан атроф-муҳитни сақлаш мақсадида қўйилган чекловлар ҳамда кўмир нархининг ошиши эвазига ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқарганлиги сабаб бўлди.*